Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 23-IYUL, SESHANBA, 89 (8170)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Ғўза жуда кўп ҳосил элементлари пайдо қилиши мумкин, бироқ ёппасига мевалаш даврида озиқ элементлари ва сув етишмаслиги сабабли уларнинг кўп қисми тўкилади. Шунинг учун ҳам ғўза ҳосил элементларининг тўкилишини камайтириш учун чилпиш ўтказилади. Бу агротехник тадбир июль ойининг бошларидан охиргачa бўлган даврга тўғри келади.

Ўзбекистонда кенг тарқалган асалари зотлари касалликка чидамлилиги, иқлим-шароитга мослашувчанлиги, кўп миқдорда тухум қўйиши, яхши асал бериши каби жиҳатлари ҳисобга олиниб танланган. Ҳозирда асаларларнинг “Карпат”, “Кавказ”, “Украина”, “Кавказ тоғ” кулранг зотлари ва маҳаллий зотлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида парвариш қилинмоқда.

Табиатнинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Бир ой дохил бўлиши билан об-ҳавода муайян ўзгаришлар бўлади. Шу кунларда ҳавонинг ҳарорати ошди. Иссиқ ҳаво кўпчиликни бироз шошириб қўйди. Кексаларимиз об-ҳаводаги бу ўзгаришни қуёшнинг саратон буржидан асадга ўтиши билан боғлаб, «саратон сўнгги кунларида ўз ишига киришди» дейишмоқда.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Кунниг муҳим воқеалари

► Хоразмда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини таъминлаш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови муносабати билан сайлов қонунчилигига риоя этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

► **Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан экологик медиатур ташкил этилди. Медиатур давомида журналистлар Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Қўқон шаҳридаги «Индорама Қўқон текстиль» Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонасида бўлиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган экологик тоза технологиялар билан танишди.**

► Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида “Ягона-сан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Танлов якунига кўра, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри актрисаси, “Ниҳол” мукофоти совриндори Сарвиноз Аннақулова биринчи ўринга лойиқ топилиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Бухоро Вилояти

Жорий йилда Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежи меҳнат бозорига 176 нафар янги мутахассисни тақдим этди.

Коллежни таълимнинг етти йўналиши бўйича тамомлаган ёшлар вилоятдаги юзга яқин ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган шартномалар асосида ишга жойлашмоқда. Хусусан, ўн нафар битирувчи Бухоро шаҳридаги “Бухоро гилам” Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида меҳнат фаолиятини бошлади.

СУРАТДА: *Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фарангиз Бақоева.* Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Тошкент вилояти фаолларининг жорий йил биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими А.Усмонов бошқарган йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, саноат соҳасини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 5,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш 10,4, чакана савдо айланмаси 16,4, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,2, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 14 фоизга ўсди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўн тўққизта корхонада 43 лойиҳа бўйича 30,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида кўплаб янги объектлар ишга туширилди.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бандлик дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 44,3 мингта янги иш ўрни яратилди. Унинг 31 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Йиғилишда қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича уй-жойлар қуриш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Йилнинг ўтган даврида эришилган ижобий кўрсаткичлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Тошкент Вилояти

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Вилоят компьютерлаштириш маркази шаҳар, туман ва қишлоқларда фаолият юритаётган ишбилармонлар ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ҳақидаги маълумотлар жамланган интернет порталини ишга туширди.

У вилоят ҳокимлигининг расмий сайти бўлиб, яратилган имкониятлардан ҳамма бирдек фойдаланиши, вилоят ҳаётига доир янгиликлар, статистик маълумотлар, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан исталган вақтда танишиш мумкин. Сайтнинг менюсидаги “Тадбиркорлик ва бизнес” бўлимига савдога қўйилган объектлар бўйича маълумотлар киритилган. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари билан ҳам ишлаш йўлга қўйилган бўлиб, фойдаланувчилар янги сайтнинг асосий менюсидаги “Интерактив хизматлар” саҳифаси орқали тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, граммпластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш, сотиш фаолиятини лицензиялашга доир ҳуқуқий ҳужжатлардан бохабар бўлишлари, қолаверса, алкоголь маҳсулотлари, улгуржи савдо тартибини амалга оширилишини лицензиялаш қоидалари ҳамда лицензия олиш учун аризалар қабул қилиниши ташкил этилгани тўғрисидаги зарур ахборотлар ва бошқа қатор ҳужжатлар билан ҳам яқиндан танишишлари мумкин.

— Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бу ишнинг йўлга қўйилгани биз учун қулайлик бўлди, — дейди тўйтепалик тадбиркор Олимжон Хайруллаев. — Эндиликда турли идораларга узоқ йўл босиб бормасдан, ўзимиз учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва маълумотлар билан иш жойимизда компьютер орқали танишиш имкониятига эгамиз.

Иброҳим ТОШЕВ

Навоий Вилояти

ЧИҚИНДИДАН ҚАДОҚЛАШ ҚОҒОЗИ

“Навоий – картон қоғоз” масъулияти чекланган жамиятида чиқинди қоғоздан сифатли қадоқлаш қоғози ишлаб чиқарила бошланди.

“Ўзбеклизинг” компанияси кўмагида 182 минг АҚШ доллари қийматидаги хориждан қоғозни қайта ишлаш технологиясини келтириб ўрнатган корхонада айни пайтда бир кеча-кундузда турли қалинликдаги 5 тонна маҳсулот тайёрланяпти. Иш икки сменада ташкил этилган. Корхона фаолияти туфайли 22 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Корхона тез орада хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, тайёр маҳсулотни экспортга чиқаришни режалаштирмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ

Сирдарё Вилояти

ТАДБИРКОРНИНГ ТАДБИРИ – ЭЛГА ФОЙДА ҲАР БИРИ

Гулистон туманидаги “Жамшидбек” савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Илҳом Фофуров “Халқ банки”нинг туман бўлимидан 150 миллион сўм кредит олиб, Деҳқонобод шаҳарчасидаги икки қаватли ресторанни таъмирлатиб, тўйхонага айлантирди.

“Исломбек” деб номланган тўйхона очилиш маросимига бағишланган тантана хайрия тўйига уланиб кетди. Тадбиркор Илҳом Фофуров шаҳарчада яшовчи Жасурбек ва Аббосбекларнинг суннат тўйларини ўтказиб берди. Тўй болаларга сарполар кийдирилди.

Тўйхона ёнида тадбиркорнинг алоҳида нон ишлаб чиқариш корхонасини ҳам ишга туширгани эса шаҳарча янада обод бўлиши баробарида қарийб 20 нафар киши янги иш ўрнига эга бўлишини таъминлади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йил 18 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.

I. БАРҚАРОР ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ, МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга доир комплекс дастурларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари инфляция даражаси пастлигини, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини (442,4 миллион доллар) ифода этадиган макроиқтисодий барқарорлик билан таъминланди.

Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш ва уларни янада диверсификация қилишга доир дастурий чора-тадбирларнинг ижроси саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоизга ошириш имконини берди.

Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илғор технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 7,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши, стратегик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш ва янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,5 фоиз ва қурилиш ишларини 16,1 фоизга оширишни таъминлади.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 14,4 фоиз, чакана савдо айланмасини 14,6 фоиз, хизматлар кўрсатишни 12,1 фоизга оширишни таъминлади.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини кенгайтириш аҳоли реал даромадининг 16,3 фоизга барқарор ошишида муҳим омил бўлди.

2013 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2012 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,0
Саноат маҳсулотлари ҳажми	108,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	114,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,3
Қурилиш ишлари	116,1
Чакана савдо айланмаси	114,6
Пуллик хизматлар	111,0
Жами хизматлар	112,1

II. ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА УНИНГ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришларни диверсификация қилишга доир иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш ва уларни диверсификация қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (123 фоиз), енгил саноат (115,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (111,9 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (105,3 фоиз), озиқ-овқат саноати (107,1 фоиз) каби тармоқларда жадал ривожланиш таъминланди. Саноат ишлаб чиқариш умумий таркибида ушбу тармоқлар улуши 2012 йилнинг биринчи ярмидаги 53 фоиз ўрнига 56,1 фоизга ошди.

1233 янги ишлаб чиқариш қувватларининг, жумладан, енгил ва тўқимачилик саноатида (369 объект), озиқ-овқат саноатида (361), қурилиш материаллари саноатида (267), ёғочни қайта ишлаш (79), машинасозлик (12), кимё саноати (13) ва бошқа тармоқларда (132) ташкил этилиши саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришиш имконини берди.

Енгил ва юк автомобиллари, автомобиль двигателлари, тракторлар, трактор тиркамалари, сигналли-блокировка кабеллари, ўрнатиш симлари, компрессорлар, пахта газлама, трикотаж буюмлар ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилнинг шу даврига нисбатан анча ошди.

Саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида йирик корхоналарда қиймати 104,1 миллион долларлик 1721 яроқсиз, маънавий ва жисмоний эскирган ускуналар алмаштирилди. Йирик саноат корхоналарида энергия ва ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жараёнлар, хомашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотишлар ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф этиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 10,4 фоизга камайтиришга эришилди.

Ҳисобот даврида Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида инновация технологияларини оммавий ишлаб чиқаришга жорий этиш қиймати 43 миллиард сўмликдан ортиқ инновация маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини берди.

Мамлакатимизда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида технологик ускуналар харид қилиш ва айланма капитални тўлдириш учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга банкларнинг 1430 миллиард сўмлик ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлари ажратилди. Натижада, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 14,4 фоиз, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 7,9 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари 19,8 фоизга ошди. Телевизорлар, энергия тежайдиган лампалар, пайпоқ буюмлар, сариёғ ва ўсимлик мойи, сут маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, ёрма ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Енгил саноат корхоналари томонидан тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг 32 янги тури ва 58 янги модели ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 1056 лойиҳа бўйича қиймати 5,3 триллион сўмлик ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 36,1 фоиз кўп маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада, импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 19,4 фоизга кўпайди ва 2,5 миллиард доллардан ошди.

61 турдаги янги маҳаллийлаштирилган маҳсулотни, жумладан, зангламайдиган консол насослар, синтетик калава, янги турдаги ҳаво, мойлаш ва ёқилғи фильтрлари, болалар ўйинчоқлари, тиш пастаси, косметика ёғлари, ювиш воситалари, аккумулятор моноблоклари, ер устида ҳаракатланадиган транспорт учун хавфсизлик ойналари, микротўлқинли печлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми 404,2 миллион долларни ташкил қилди. Экспорт таркибидан мамлакатимиз корхоналари томонидан ҳисобот даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган 25 турдаги янги маҳсулот ҳам жой олди.

Умуман, иқтисодиётимиз тармоқларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш ва экспортчиларни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар экспорти ҳажми 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 11,4 фоизга ўсди. Аммоний сульфати, суюлтирилган газ, иккиламчи алюминий, юк автомобиллари, буғдой, трикотаж полотно, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа товарларни экспортга етказиб бериш ҳажми анча ошди. Қиймати 300 миллион долларлардан ортиқ 130 турдаги янги маҳсулотлар, шу жумладан енгил автомобиллар учун ташқи ён ойналар ва тутун чиқариш тизимлари тўплами, иссиқ ёйилган пўлатдан электр пайвандланадиган пўлат қувурлар, сопол кошинлар, иккиламчи ПЭТдан тайёрланган тола, таралар, болалар велосипедлари, гилам маҳсулотлари, косметика воситалари ва бошқалар экспорт қилинди.

2013 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида умумий айланма ҳажми ўтган йилнинг шу даврига қараганда 25,3 фоизга ўсди. Биржа савдоларида шифер, мис маҳсулотлари, рангли металл парчалари, суюлтирилган газ, кўмир, иккиламчи алюминий, ўсимлик ёғи ва пахта линтини сотиш ҳажми анча кўпайди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан қиймати 371,2 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди ёки бу умумий биржа айланмаси ҳажмининг 11 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш, уларни янги мулкдорларга топшириш бўйича тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён тегишли дастурларга киритилган корхоналарни қайта тиклаш учун 1408,2 миллиард сўмлик инвестиция, жумладан, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 756,2 миллиард сўм йўналтирилди. Натижада, ушбу корхоналарда 23 мингга яқин янги иш ўрни ташкил қилинди, қиймати 1881,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 48,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун «Микрокредитбанк»нинг 13 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди. Ахборот-коммуникация технологиялари базасида янги турдаги хизматларнинг жорий этилиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 21,5 фоизга ошди. Молиявий воситачилик институтлари ва истеъмол кредитлари ҳажмини 31,2 фоизга кўпайтириш имконини берди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга 3,4 триллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу эса 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

III. ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЖАДАЛ ЯНГИЛАШ

Иқтисодиётда жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 12,1 триллион сўмни ташкил этди ва 2012 йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархларда 10,5 фоизга кўпайди. Капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш мақсадлари учун 62,6 фоиз йўналтирилди.

Инвестициялар ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 43,9 фоиз, аҳоли маблағлари эвазига 26,1 фоиз, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 10,1 фоизга таъминланди. Бунда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 25 фоиздан зиёдини аҳоли маблағлари ташкил этди. Бу аҳолининг инвестиция фаоллиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган фармони билан тасдиқланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмини 13,2 фоизга ошириш имконини берди ҳамда уларнинг ҳажми 1148 миллион долларни ташкил қилди. Бунда хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмининг 854,9 миллион доллари ёки 74,5 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

2013 йилнинг Инвестиция дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида умумий қиймати 6,8 миллиард долларлик 141 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. 28 йирик инвестиция лойиҳасини, хусусан, «Тошкент ИЭМ» ОАЖда конгенерацион газ турбинали технологияларни жорий этиш», «Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини жиҳозлаш, ДКС ва Жанубий Ўртабулоқ газ қувурини – МГИЗ қуриш», «Муборак ГИЗда ишдан чиқаётган қувватларни, яъни 16- ва 17-олтингугурт тозалаш блокларини компенсация қилиш», «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» кичик станциясини реконструкция қилиш», «Фотон» ОАЖда электрон тарозилар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва дастурий таъминот функциясига эга назорат-касса машиналарининг замонавий моделларини ўзлаштириш», «Бекободцемент» ОАЖда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қуруқ услубда цемент ишлаб чиқарадиган янги линияни қуриш», «Stroy Max Invest» қўшма корхонаси МЧЖда газбетон ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Тошкент вилоятида тўқимачилик комплексини ташкил қилиш (1-босқич)» ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш якунланди.

Шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида автомобиль газ баллонлари, арматура ва полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича иккита янги лойиҳа жорий этилди. Умумий қиймати 58 миллион доллардан зиёд олтита инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 200 миллион доллардан ортиқ ўнта инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, «Ўз-Приста Ресайклинг» қўшма корхонасининг бўш қувватларида ишлатиб бўлинган мойлардан базавий мойлар, техник кремний, турли диаметрли мис қувурлар, санитария керамикаси, энергия тежайдиган ёруғлик диодли лампалар, автомобиллар учун тормоз тизимлари, брикет кўмир ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, янги шакар заводини барпо этиш ва кўнчилик комплексини ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, қўшимча 21 лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва улар юзасидан зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Янги ташкил этилган «Жиззах» махсус индустриал зонасини ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг икки чораги давомида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ишлари бошланди. «Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурияти кенгашининг протоколи билан зона ҳудудида кейинчалик амалга ошириш учун 93 истиқболли лойиҳа тасдиқланди.

IV. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий автомагистрали тармоғи ва 2231 мелиорация қудуғида таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари амалга оширилди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва замонавий агротехника услубларини жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда илк бор 7,6 миллион тоннадан ортиқ ғалла ҳосили етиштирилди. Бунда ўртача ҳосилдорлик гектаридан 49,2 центнерни, жумладан, суғориладиган ерларда 55 центнерни ташкил қилди.

Асосий ва оралиқ экин майдонларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш мақсадида 251,8 минг гектар ерга сабзавот, 82,4 минг гектар ерга картошка ва 59 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 4,9 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,3 минг гектар ерда интенсив боғлар ва 4,8 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди. 5,7 минг гектардаги боғлар ва 3,8 минг гектарлик узумзорлар реконструкция қилинди. Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида умумий майдони 384 гектарлик 22,7 минг иссиқхона ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун 110,2 миллиард сўм, паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш учун 45,4 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичилик хўжаликларини ташкил қилиш учун 15,3 миллиард сўм ажратилди. Республикамизда жорий йил бошидан буён 38 минг бош қорамол боқиладиган 1138 чорвачилик хўжалиги, 4,5 миллион товуқ парвариш қилинадиган 592 паррандачилик хўжалиги, 3,4 минг гектар сунъий ҳовузда 601 балиқчилик хўжалиги, 1428 асаларичилик хўжалиги ташкил қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар сони 10,3 миллион бошга етди (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 фоиз), 831,7 минг тонна гўшт (107 фоиз), 3,4 миллион тонна сут (107,1 фоиз), 2,3 милион дона тухум (116,9 фоиз), 2,2 миллион тонна сабзавот (114,2 фоиз), 1,1 миллион тонна картошка (111,9 фоиз), 135,7 минг тонна полиз экинлари (112,3 фоиз), 710,7 минг тонна мева (110,6 фоиз), 19,9 минг тонна узум (112,7 фоиз) тайёрланди. 192,3 минг тонна ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 фоиз кўп мева-сабзавот, жумладан, 114,2 минг тонна сабзавот ва 78,1 минг тонна мева қайта ишланди.

VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАКСИМАЛ ДАРАЖАДАГИ ҚУЛАЙ ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Кичик бизнесни ривожлантириш учун имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка кенг эркинлик беришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратиш, уларни электр таъминоти тармоқларига улаш механизмларини янада такомиллаштириш, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган қатор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ўтган даврда кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 23,9 миллиард сўмлик 46 давлат активлари сотилди, 19,1 минг фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп, яъни 3,7 триллион сўм ҳажмида кредитлар, жумладан, 775,2 миллиард сўмлик микрокредитлар (ўсиш 1,4 баробар), шунингдек, халқаро молия институтларининг кредит линиялари доирасида 59,8 миллион доллар ажратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида жорий йил бошидан буён 15,8 минг янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат соҳасида (умумий сонининг 28,2 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (26,8 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (15,1 фоиз), қурилиш соҳасида (9,6 фоиз) ташкил қилинди. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг умумий сони 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 4,6 фоиз кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларида амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 162 миллион сўмни ёки электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 91,6 фоизини ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида «Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида махсус ташкил қилинган Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан 288 корхонага маҳсулот экспорти бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти ва халқаро ҳамда мамлакатлар талабларини жорий этиш бўйича 28 давлат билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларининг экспорт ҳажми 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 марта ошди ва 1,3 миллиард долларни, жумладан, «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали 329,6 миллион долларни (ўсиш 1,3 баробар) ташкил қилди.

Умуман олганда, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2012 йилнинг биринчи ярмидаги 42,6 фоиз ўрнига 43,2 фоизга, саноатда – 21,8 фоиздан 22,9 фоизга, экспортда – 12,4 фоиздан 19,2 фоизга, бандлик соҳасида – 75,1 фоиздан 75,5 фоизгача ошди.

VII. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ МУТТАСИЛ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтган давр мобайнида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, уни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва бандлигини оширишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар бажарилди. Бунинг учун барча манбалар ҳисобидан 3,4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга оширишга оид кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида 554,4 мингта иш ўрнини, жумладан, қишлоқ жойларда 334,4 мингта янги иш ўрнини (умумий миқдорнинг 60,3 фоизи) ташкил қилиш имконини берди.

Янги корхоналарни ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 41,6 мингта, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш эвазига 209,5 мингта, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 61 мингта, касаначилик ҳисобидан 123,4 мингта, фермер ва деҳқон хўжаликларида 70,5 мингта, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларида 39,4 мингта, иқтисодий жиҳатдан ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобидан 8,9 мингта иш ўрни яратилди. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш, касаначилик, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобидан иш билан банд бўлмаган аҳоли даражаси юқори ва ортиқча ишчи кучи мавжуд 28 туманда 66,9 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Меҳнат бозорида фаол чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳоли бандлиги 2,5 фоизга ошди, иқтисодиёт бўйича иш ҳақи ҳажми 18,5, ўртача пенсия миқдори 28,6 фоизга кўпайди. Умуман, аҳолининг реал даромади 16,3 фоизга ошди.

Шу йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурига мувофиқ, якка тартибдаги янги уй-жойларни қуриш учун ер массивларини ажратиш ва тайёрлаш ишлари бажарилди, якка тартибдаги қурувчилар танлаб олинди. Йил бошидан буён умумий майдони 15,4 минг квадрат метр бўлган 108 якка тартибдаги уй қурилди.

Ҳисобот даврида мамлакатимизда 5059,7 минг квадрат метр уй-жой (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларда 3752,9 минг квадрат метр (103,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг сифатли ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён 1503,6 километр сув қувурлари тармоғи (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 153,3 фоиз), қишлоқ жойларда 1357,5 километрлик сув тармоғи (156,9 фоиз) ишга туширилди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг биринчи ярмида 48 умумтаълим мактаби, 5 касб-ҳунар коллежи ва 100 ўринли ётоқхона, академик лицейлар қошида 400 ўринли ётоқхоналар, 150 ўринга мўлжалланган ва бир кунда 600 кишини қабул қиладиган тиббиёт муассасалари, 11 болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва ривожлантириш бўйича самарали стратегиянинг изчил ва аниқ мақсадли амалга оширилаётгани натижасида, жаҳон иқтисодиётида жиддий муаммолар мавжудлигига қарамай, 2013 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликнинг юқори ўсиш суръатлари сақлаб қолинди.

Етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички ва ташқи талабни рағбатлантириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳоли бандлиги, турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш иқтисодиётимизнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш борасидаги асосий вазифалар бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Қашқадарё вилояти фаолларининг жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифаларнинг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Т.Жўраев бошқарган йиғилишда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлаш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини изчил ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7 фоиз, халқ истеъмоли моллари ҳажми 16,3, капитал қўйилмалар 12, пудрат ишлари 12,8, чакана савдо айланмаси 14,9, пуллик хизмат кўрсатиш 15,7, жами хизматлар 16,5, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6,3 фоизга ўсди.

Ярим йилликда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1523,9 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоизни ташкил этди. Корхоналарни модернизация қилиш ва янгиларини ишга тушириш ҳисобидан 1 минг 465 янги иш ўрни яратилди.

Вилоятда мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг сони 47 минг 370 дан ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 198,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Амалга оширилган ишлар натижасида кичик бизнес корхоналарининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 44,2 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 14 минг 798 янги иш ўрни яратилди.

Йиғилишда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, дастур ижросини таъминлашда шаҳар ва туман ҳокимликлари, бир қатор ташкилотлар томонидан айрим камчиликларга йўл қўйилгани танқид қилинди. Жумладан, Қарши, Нишон, Шаҳрисабз, Косон, Чироқчи ва Қамаши туманларида саноатни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаётир. Миришкор, Касби, Чироқчи, Шаҳрисабз туманларида маҳаллий экспорт имкониятларидан фойдаланиш борасида қолоқликка йўл қўйилмоқда. Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.

АГРОМАСЛАҲАТХОНА

Чигитни яхши тайёрланган ерга энг мақбул муддатда экиб, ўз вақтида ягана ўтказилса, сув ва ўғитлар белгиланган меъёрда берилса, ғўза тез ривожланиб ҳосил тўплаш босқичига ўтади. Аммо ғўзада ҳосил қанча кам бўлса, у ўсишга мойил бўлади. Шуни эътиборга олиб, унинг бош пояси ва ўсув шохларининг учи чилпиб олиб ташланса, озиқ моддалар ҳосил шохларига, ундан ҳосил тугунчаларига ўтади, уларнинг тўкилиши камаяди, кўсаклар кўпайиб, вазни ортади, сув сарфи самарадорлиги ҳам кўпаяди.

ҒЎЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Чилпишни ўз вақтида бажариш шона, гул тугунчаларини сақлашга, кўсак пайдо бўлиш ва етилиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Ғўзани чилпиш ўз вақтида сифатли ўтказилса, кўсакларнинг пишиши 5-10 кунга тезлашади ва ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга ортади.

Бу муҳим тадбир ғўзанинг асосий ва ён шохларининг ўсув нуқтасини қирқиш бўлиб, ўсимликнинг вегетатив ўсишини тўхтатиш ва озуқа моддаларини ҳосил нишонларига йўналтириш

мақсадида ўтказилади.

Маълумки, ғўза жуда кўп ҳосил элементлари пайдо қилиши мумкин, бироқ ёппасига мевалаш даврида озиқ элементлари ва сув етишмаслиги сабабли уларнинг кўп қисми тўкилади. Шунинг учун ҳам ғўза ҳосил элементларининг тўкилишини камайтириш учун чилпиш ўтказилади. Бу агротехник тадбир июль ойининг бошларидан охирларигача бўлган даврга тўғри келади. Аммо уни айрим йилларда эртароқ ҳам ўтказиш мумкин. Бу эса обҳавога боғлиқ.

Ниҳоллар ривожи ҳар хил бўлган тақдирда, чилпишни икки марта бажариш лозим. Аввалига асосий ўсиш нуқтаси қирқилса, орадан 7-10 кун ўтгач, ён шохларнинг учлари чилпиб ташланади.

Аксарият хорижий мамлакатларда чилпиш кимёвий усулда амалга оширилади. Хорижликлар ғўзага дастлабки гуллар пайдо бўлаётган даврда Пикс дорисини пуркайдилар. Шу билан бир қаторда кимёвий усулда чилпиш учун Тур, Устикс, Далпикс, Со-же-ан каби дорилар ҳам ишлатилади.

Пикс дориси бошқа препаратларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. У сепилгач, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ўртасида муво фиқлашув яхшиланиб, ҳосил эртаги ва мўл бўлади, тола сифатли бўлади. Шунингдек, ғўза тупи ихчам арчасимон шаклга киради. Бу эса қаторлар орасида ҳаво алмашувини яхшилашга ҳамда кўсаклар чиришининг камайишига олиб келади. Энг асосийси, биринчи терим салмоғи 5-6 центнерга ошиб, ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олишга, имконият яратилади.

Пикснинг ўхшаши бўлган Далпикс дорисини эса ўзимизда ишлаб чиқаришга ва амалда қўллашга рухсат берилган.

Кимёвий чилпиш учун бу дориларни пуркаш вақти ва сарфлаш меъёри ғўза ривожига ҳамда бош поя баландлигига кўра белгиланади. Энг мақбул муддат - ўрта толали ғўза навларида ҳосил шохи 12-14 тага етган пайтдир. Дорилар билан ишлов беришни суғоришдан 6-7 кун олдин ўтказиш янада самаралидир.

Пиксни ишлатиш меъёри ўсимликнинг бўйига, ривожланиш даражасига қараб гектарига 0,5-1,0 литрни ташкил қилади. Агар ғўза тупи бақувват бўлса, унинг сарфи 1,5 литргача етказилиши мумкин. Бунда сувли аралашма меъёри гектарига 200-300 литрдан ошмаслиги керак.

Ўсимликка препаратни ОВХ-28 ёки бошқа турдаги агрегатлар ёрдамида пуркагичлар билан тонгги ва кечки соатларда сепиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, ғўза ғарқ гулга кирган пайтда чилпиш ўтказиш энг яхши натижа беради.

Кўпчилик туманларда чилпиш ғўзани ривожланишига қараб 10 июлдан, ушбу ой охиригача амалга оширилади.

Ғўзани махсус чилпиш мосламаси ёрдамида ўтказилса, битта чилпиш мосламаси 40-50 ишчининг вазифасини бир йўла бажаради. Қатор оралари 60 сантиметр бўлган майдонларда ҚХРи культиваторга тиркалган ЧБХ-4 мосламасидан фойдаланилади.

Шунингдек, ЧБХ-6 ва ЧХТ-4,5 мосламалари ёрдамида қатор оралари 90 см бўлган пайкалларда чилпишни ўтказиш мумкин. Аммо чилпиш мосламалар ёрдамида ўтказиш учун ғўза экилган майдонлар жуда текис бўлиши керак.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ЧАНГЛАТИШДА АСАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Мамлакатимизда ички бозорларимизни ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш мақсадида қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шундай мақсадга хизмат қилаётир. Айниқса, республикамизда асаларичиликни ривожлантириш ва унинг истиқболларини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилди.

— Асаларичиликни ривожлантириш аҳолининг асал маҳсулотига бўлган талабини қондиришдан ташқари, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда уруғ етиштиришда алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш бош бошқармаси бош мутахассиси Ёзил Шукуров. — Тажрибалардан маълум бўлдики, асалари оиласи жойлаштирилган бир гектар майдонда у билан чанглатилган ғўзанинг ҳосилдорлиги асалари оиласи бўлмаган жойдаги ғўза ҳосилдорлигига нисбатан 2,6 центнерга ортади.

Фарғона вилоятида мевали боғлар, мойли экинлар ва ғўзаларни асалари билан чанглатиш устида кичик ер майдонларида 22 та тажриба ўтказилди. Ҳосилдорлик юқори бўлди. Шу нуқтаи назардан, келгусида бундай тадқиқотларни кенгайтириш мақсад қилинган.

Ўзбекистонда кенг тарқалган асалари зотлари касалликка чидамлилиги, иқлим-шароитга мослашувчанлиги, кўп миқдорда тухум қўйиши, яхши асал бериши каби жиҳатлари ҳисобга олиниб танланган. Ҳозирда асаларларнинг "Карпат", "Кавказ", "Украина", "Кавказ тоғ" кулранг зотлари ва маҳаллий зотлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида парвариш қилинмоқда.

2012 йилги маълумотларга кўра, республикамизда 7589 нафар киши асаларичилик билан шуғулланмоқда. Улардаги асалари оилалари сони 290 мингтадан ортиқ. Жорий йилда асаларичилик билан шуғулланувчи субъектлар сони 8975 нафарга, асалари оилалари сони 367 мингтага, йил якунига қадар асал ишлаб чиқариш ҳажмини 7300 тоннага етказиш кўзда тутилган. Натижада 1900 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

— Юртимизда ўтган йили жами 4887 тонна асал етиштирилиб, уни қайта ишлаш ва қадоқлаш цехлари ишга туширилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари ҳамда Республикада асаларичиликни ривожлантириш ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари Тоҳир Шерматов. — Жорий йил якунига келиб, бундай цехлар сонини 25 тага етказиш режалаштирилган. Айни пайтда асалари оилаларини мавсум даврида табиий ўсимликларнинг гуллашига қараб, (чўл, тўқай, тоғ олди, маданий экинзорлар) озуқа базасини мустаҳкамлаш ва асал йиғиш мақсадида республикада бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчириш жадваллари ишлаб чиқилиб, жараён давом эттирилмоқда. Белгиланган режага асосан, мавжуд ўрмон фонди ерларидан (қўриқхоналардан ташқари) асаларичилик билан шуғулланувчи субъектлар бепул фойдаланиши учун шароит яратиб берилди.

Чорва экинлари уруғини етиштиришда ҳам асаларилар "меҳнати" жуда асқотади. Шу мақсадда республикада 31 та махсус деҳқон ва фермер хўжалиги ташкил этилиб, бунинг учун 50 гектарга яқин ер майдони ажратилди. Шунга қарамасдан, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Аввало, асаларичиликка ихтисослашган фермер хўжаликларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, замонавий технологияларга асосланган қайта ишлаш ва қадоқлаш цехларини ишга туширишда ҳамда савдо дўконлари ташкил этиш зарур.

— Бугун турли вазирлик, давлат идора ва ташкилотлари томонидан асалари пакетларини сотиб олувчилар сони ортиб бормоқда, — дейди Ўзбек-Асал уюшмаси раҳбари Абдухалил Чекалов. — Масалан, Асака туманидаги "Асака" наслчилик фермер хўжалигидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 50 та, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги 60 та, "Uzbekenergo" давлат акциядорлик компанияси 250 та асалари пакетларини сотиб олиб, қўшимча хўжаликларида кўпайтиришни йўлга қўйди.

Бундан ташқари, четга асал чиқаришни кўпайтириш учун ҳозирда турли хил ўсимликларнинг гуллаш даврида алоҳида монофлёр асал олинмоқда. Фақат биргина ўсимлик гулидан олиниб тайёрланган асал — монофлёр, бир неча ўсимликлар гулларидан олинган асал — полфлёр деб аталади. Пахта асали, тоғ ўсимликларидан олинган асал, акация ёки янтоқ асали шулар жумласидандир. Бу ҳам уларнинг сифатини яхшилаб, бозорбоплигини таъминлайди.

Маълумки, асал таркибини асал гул чанги (асалари учун озуқа гулларидан олинади), мум (асалари уя қуришда ишлатилади), прополис (асал елими — совуқдан ва касалликдан ҳимоя қилади), мерва (эски рамкадан олинадиган мум қолдиғи), перга (гул чанги қоришмаси), асалари заҳари ва асалари сути ташкил этади. Айнан ушбу асал маҳсулотлари (асалнинг ўзидан ташқари) ҳозирча ўз фойдаланиш объектини тўлалигича топган эмас. Ваҳоланки, улардан тиббиётимизда, масалан, "Апитерапия" йўли билан инсонни даволашда, фармацевтика соҳасини янада тараққий эттиришда унумли фойдаланиш имконияти мавжуд. Натижада асаларичилик янада сердаромад соҳага айланади. Бундан ташқари, асаларичилик экотизим билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳам унутмаслигимиз лозим. Назаримизда, юртимизда асаларичиликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида халқаро конференциялар, форумлар ташкил қилиш ва хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, анжуманлар орқали маҳсулотларимизни намойиш қилиш имконига ҳам эга бўламиз.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан асаларичиликка алоҳида эътибор қаратилиши қишлоқ хўжалиги соҳасида катта фойда келтирадиган яна бир тармоқнинг гуллабяшнашига пухта замин яратди. Асосийси, аҳолининг асалга бўлган эҳтиёжини қондириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда шунинг баробарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда ушбу соҳадан самарали фойдаланишдир.

Б.ҚАҲРАМОНОВ,
Р.ҲАСАНОВ.

○ Эълонлар

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" республика танловини ўтказади.

Танловда республика оммавий ахборот воситалари фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2013 йилнинг 1 ноябригача "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– муаллифнинг паспорт нусхаси;
– таҳририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
– 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
– муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллик байрами арафасида топширилади.

Мурожаат учун телефонлар: 170-90-27, 241-00-50

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Сайрам ҚФЙ Чусткўприк МФЙ 20 та турар уй-жойлар учун сув тармоғи қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 171 508 353 сўм, ҚҚСсиз 142 923 627 сўм.

Якунлаш муддати – 45 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси. Тел: (8-369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Республика бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат! *500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.*

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафиллигига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга Наманган шаҳар Навоий кўчаси 22-уй, Тел.факс (8-369) 227-94-30 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи - 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўчаси 22-уй.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

КРАЕВЕДЧЕСКИЙ МУЗЕЙ ХАТИРЧИНСКОГО РАЙОНА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

НА ОБЪЕКТ: **«Капитальный ремонт здания краеведческого музея в Хатирчинском районе».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 100 853 486 сум, с НДС 121 024 183 сум.**

Срок завершения строительства **2 месяца.**

Заказчик **Краеведческий музей Хатирчинского района.**

Расположенный **в Хатирчинском районе.**

Финансирование осуществляется **за счет средств местного бюджета.**

Конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса.

ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА ОБЪЕКТ:

ЛОТ №18.

Лот№18-3. «Селезащитные мероприятия по спрямлению правого берега и укреплению дамб левого берега Аколтинская при пересечении с мостом сельского населенного пункта «Карача» в Хатырчинском районе Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **- 3 месяца**.

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 117 514 512 сум, с НДС 141 017 415 сум.**

Лот№18-4. «Селезащитные мероприятия по защите автодороги 4Р56 Хатырчи-Лянгар и Алтынсайского экономического колледжа в Хатырчинском районе Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **- 3 месяца**.

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 329 262 013 сум, с НДС 395 114 415 сум.**

ЛОТ №19.

Лот №19-1. «Селезащитные мероприятия по защите населенного пункта «Тасмачи» при пересечении Тасмачисая с каналом «Шават» в Хатырчинском районе Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком **- 3 месяца**.

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 219 127 100 сум, с НДС 262 952 520 сум.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование осуществляется **за счет средств государственного бюджета.**

Конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Подтверждение на право трудовой деятельности № 5787 для работы в ООО "JINSIDE LONG", выданная гражданке Китайской Народной Республики Жин Линди (паспорт G30141952) с 29.01.2013 г. по 29.07.2013 г. Агентством по вопросам внешней трудовой миграции, считать недействительным.

ЭКИННИ ЯСАТАДИГАН ДАВР

Табиатнинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Деҳқончилик тақвимида ўзгаришларга эътибор беринг-а. Бир ой дохил бўлиши билан об-ҳавода муайян ўзгаришлар бўлади. Шу кунларда ҳавонинг ҳарорати ошди. Иссиқ ҳаво кўпчиликни бироз ошириб қўйди. Кексаларимиз об-ҳаводаги бу ўзгаришни қуёшнинг саратон буржидан асадга ўтиши билан боғлаб, «саратон сўнгги кунларида ўз ишига киришди» дейишмоқда.

21 июлдан қуёш саратон буржидан асадга оғди. Деҳқончилик тақвими бўйича олтинчи ой бошланди.

Айни кунларда деҳқонларнинг меҳнат шижоати ортган. Галла ҳосилини йиғиштириб олишиб, бошқа экинлар парваришига авж беришган. Ахир, асад экин расад бўладиган, уни “ясатадиган” давр ҳисобланади. Бугунги ҳароратнинг, айниқса, ғўзага фойдаси катта. Асадда ғўза кун эмас, соат санайди. Шу боис, асад ғўзанинг энг ишлов талаб, парваришталаб даври ҳисобланади. Чунки, шу кунларда ҳосил чўғи, хирмон баракаси яратилади. Ғўзага айни кунларда берилган сув – “асал суви”га айланади. Асад суви – асал суви ибораси донишманд деҳқоннинг кўп йиллик кузатишу тажрибасидан келиб чиққан. Асад сувига қонган ғўзанинг кўсаги бўлиқ, толаси сифатли ва салмоқли бўлади. Шу боис, мироблар суғоришга жиддий ёндашадилар. Ғўза чанқаса ёки кўлласа мўлжалдаги ҳосил етишмай қолади-да. Халқ ибораси билан айтганда “ғўзани кўллатма ҳам, чўллатма ҳам”. Асадда ғўза агротехникасида яна бир муҳим тадбир – чилпиш ўтказилади. Пахтадан юқори ҳосил олишнинг энг муҳим тадбирлари мана шу ойга тўғри келади. Асаднинг охири – сунбуланинг бошида ғўза баргини сунъий тўкдириб, йиғим-теримга киришилади. Асад экинни ясатадиган палла. Демак, бугунги меҳнат шашти куздаги хирмон баракасини белгилайди.

Асад ҳосил ғарқ пишган палла. Боғбону соҳибкорлар, полизчилар меҳнатининг самараси шу ойда рўёбга чиқади. Дастурхонларга узумнинг чиллаки, доройи навлари қаторига ҳусайни, оқ кишмиш навлари қўшилади. Шафтоли, қароли, олхўри, анжир каби мевалар пишиб етила бошлайди. Помидор, бақлажон, булғор қалампири каби полиз экинлари энг ширали меваларини инъом этади. Айниқса, чиллаки узум айни шарбатга тўлган. Чиллаларимизнинг гапи. Зеро, бугунги кунлар етиштирилган ҳосилни қишга ҳозирлаш, консервалаш, қоқилашга киришишнинг айни фурсати. Бу ибора чорвадорлар учун ниҳоятда хосдир. Яъни қишга озуқа жамлаш ишлари шу ойда авжига чиқади. Бу йилги баҳорнинг серёғин келиши чорвадорлар учун озуқа жамлашда қатор қулайликлар яратмоқда. Тадбиркор чорвадор шундай шароитдан фойдаланиб, бир неча йилга етадиган озуқани ғамлади.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Асадда чорвадорларнинг ўзига яраша ташвишлари бор. Қўйчивонлар қўзиларни яна бир бор саралайди. Жун қирқиш мавсуми бошланади. Чўпонлар орасида шундай қизиқ мақол бор: қўй керак бўлса асадда, жун керак бўлса сумбулада қирқимни ўтказ.

Шунингдек, чорвабоп экинлар уруғини қадашнинг сўнгги кунлари ҳам асадга тўғри келади. Халқимизда асад – норасад деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, асосий экинларнинг вақти ўтди. Энди қадалган уруғдан ўнган экин расад – ривожи яхши, ҳосили бўлиқ бўлмайди. Аммо тариқ, шолғом, лавлаги, кечки экинлар бундан мустасно. Шу сабаб, асад уруғи – норасад дейиш тўғрироқ бўлади.

Кексаларнинг таъкидлашича, асад яхши келса об-ҳаво ҳарорати саратондагига нисбатан 2-3 даража фарқ қилиши мумкин. Табиатда ҳам анча ўзгаришлар содир бўлади. Чашмалар суви камаяди. Дарёлар суви аксинча кўпаяди. Қушлар бирин-кетин иссиқ мамлакатларга сафар қилади. Айтишларича, асад чиқишидан бир неча кун олдин яхшигина шамол ва ёмғир бўлиши мумкин экан.

Анвар БОТИРОВ тайёрлади.

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Ҳозирда барча бозорларда, супермаркетлар, ҳатто мўъжазгина дўконларнинг пештахталарида ўлкамиз заминида етиштириладиган турфа ширин-шарбат неъматлар қаторида, бир вақтлар бизлар учун ноёб ва антиқалиги билан ажралиб турадиган ананас, киви ва бананлар ҳам харидга қўйилганини кўрасиз.

ДОНОЛАР ОЗУҚАСИ

Бананнинг қандай хосиятларга эга эканлиги барчани қизиқтирмай қўймайди.

Манбаларда қайд этилишича, банан совуқ мижоз, дилгир одамлар учун зарарли ҳисобланар экан. Банан истеъмол қилинганида у жуда секин ҳазм бўлиши билан ажралиб туради, ичак йўлида овқат ҳазм бўлишини хийла қийинлаштириб, ел ҳосил қилади, сафро ажралиши маромида бўлмайди. Уни қўктомири бўртган (варикоз кенгайиш) беморлар истеъмол этмасликлари керак, дейишади. Шунингдек, оғир дардлардан бўлмиш инфаркт ва



сакта хасталигини бошидан кечирган кишиларга банан истеъмол этиш лозим кўрилмайди.

Табиатда бананларнинг 50 тури қайд этилган, унинг битта тури “Муза сапиентум”, яъни “Донолар овқати” деб ном олган. Мазкур турдаги бананлар таркибида карбонсувлар 20 фоизни ташкил қилади, 7 фоиз крахмал, 1,3 фоиз оқсил модда протеин, 0,3-0,6 фоиз мой, пектин, муаттар моддалар, 75-76 фоиз сув сақлайди. Етилган мевалар аскорбинат кислотаси, пиридоксин, каротин, никотинат кислотаси, маъданий унсурлардан калий салмоқли миқдорни ташкил қилади.

Замонавий тиббиётда бананнинг шифобахш хусусиятларидан ўз ўрнида, тадбиркорона фойдаланилади. Банан зарарсизлантирувчи, қувватбахш, тинчлантирувчи табиий неъмат сифатида тавсия этилади.

Банан — бананлар оиласига мансуб, бўйи 15 метргача ўсувчи, сохта поя ҳосил қилувчи, йирик баргли кўп йиллик ўсимлик. Ўсимлик баргларининг узунлиги 2,7 метр, эни эса 60 сантиметр. Гуллари нуқрасимон кўринишда найли бўлиб, жозибали шингилни ҳосил қилади. Бутун тропик мамлакатларда экиб етиштирилади. Уларни илдизпоя орқали кўпайтирилади. Ўсимлик иссиқ ҳароратни жуда севадиган, тупроқ танламайдиган бўлиб, серҳосиллиги билан ажралиб туради. Жумладан, банан экиладиган майдонга тенг бўлган жойларда буғдойга нисбатан 133 марта, картошкага нисбатан 45 марта кўп ҳосил беради. Тропик минтақаларда бананнинг кўплаб экилишининг сабаби у ҳосилдорлиги билан маданий ўсимликлар орасида ажралиб туради.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда жаҳон бўйича ҳар йили 12 миллион тонна атрофида банан меваси йиғиштирилиб, харидга чиқарилмоқда.

Зироатчиликда катта тажрибага эга бўлган боғбонларимиз ҳам юртимизнинг бир қатор ҳудудларида махсус иссиқхоналар ташкил қилиб, бананларни етиштириб, тузуккина ҳосил олишмоқда.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

○ Реклама ва эълонлар ○ Реклама ва эълонлар ○ Реклама ва эълонлар

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам ”Беларусь”
- Шины различных моделей

маҳсулот сертификатланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

саноат вентиляторлари

G № 2542 H9463

Двигатель қуввати: 1,1 ва 0,75 kw, 1400 RPM Ўлчамлари: 1380х1380х400мм

Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш биноларини совитишга мўлжалланган

қоғозли радиаторлар

Ўлчамлари: 1000х600х100 мм.

Тел.: (+99893) 675-00-03, (+99890) 214-80-91. Факс (+99869) 226-01-25 e-mail: akromjon777@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

«АСАКА» банк (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

хорижий валютада

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН «АСАКА» БАНК (ОАЖ) ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳар филиали (371) 120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали (371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали (371) 140-39-36
4. Юнусобод филиали (371) 221-80-67
5. Сирғали филиали (371) 258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали (371) 120-84-13
7. Андижон вилояти филиали (374) 224-40-96
8. Асака филиали (374) 233-13-69
9. «Фарҳод» филиали (374) 226-97-53
10. Фарғона вилояти филиали (373) 224-70-83
11. Марғилон филиали (373) 237-12-37
12. Олтиариқ филиали (373) 432-10-11
13. Қўқон филиали (373) 552-61-04
14. Наманган вилояти филиали (369) 226-94-75
15. Навоий вилояти филиали (436) 223-54-32
16. Зарафшон филиали (436) 573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали (365) 223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали (365) 770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали (366) 231-08-86
20. «Афросиёб» филиали (366) 221-77-56
21. Қашқадарё вилояти филиали (375) 221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали (376) 770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали (361) 770-60-59
24. Хоразм вилояти филиали (362) 226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали (367) 225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали (372) 226-43-11

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган “MULTI BUSINESS GROUP” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“SUNLIGHT” МЧЖга (СТИР 204201643) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 07-000270, 20.01.2010 й.) қайта рўйхатга олинган “RESTOGROUP” МЧЖ Устав жамғармаси 9 488 000 сўмдан 5 470 000 сўмга камайтирилаётганини маълум қилади.

Тошкент ш. Бектемир т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 001180-02, 11.05.2012 й.) рўйхатга олинган (СТИР 301684493) “NIGORA CHIKEN BUSINESS” ХКнинг ташкилий номи “GIDRANT GLOBUS SERVIS” деб қайта номланади. Даъволар 317-68-73 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСРЎИда № 000327-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “KOMILJON OTA KAPITALI” (ИНН 205172062) хусусий корхонаси ташкилий-ҳуқуқий шакли “KOMILJON OTA KAPITALI” МЧЖга айлантирилади.

Қўқон ш. ҳокимияти ТСРЎИ томонидан (реестр № 3707/78-п, 23.05.2013 й.) рўйхатга олинган “CASPIAN INTERNATIONAL TRANSPORT” МЧЖ Тошкент ш. М.Улуғбек ҳокимияти ТСРЎИ томонидан (реестр № 006957-04, 10.11.2011 й.) рўйхатга олинган “CASPIAN INTERNATIONAL LOGISTICS” МЧЖни ўз сафига бирлаштириб олишини маълум қилади. “CASPIAN INTERNATIONAL TRANSPORT” МЧЖ “CASPIAN INTERNATIONAL LOGISTICS” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 006332-05, 20.01.2013 й.) рўйхатга олинган “EXTREME EFFECT” Хорижий сармоя иштирокидаги МЧЖнинг Устав фонди 280 000 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 003249-07, 2011 й. март) Ҳамза т. Қурувчилар кўч. 107 В-уй манзили бўйича рўйхатга олинган “GLOBUS PLANT” МЧЖ (СТИР 300968733) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 17.07.2013 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 618-95-11 тел. орқали қабул қилинади.

“PENG SHENG CERAMICA” МЧЖ устав фонди 730 272 510 сўмдан 278 565 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Эътирозлар Сирдарё вил. Сирдарё т. Ҳақиқат КФЙ Ҳақиқат СИУ манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: +99898 314-39-99.

ООО “DIYOR-FOZIL FARM” М.Улуғбекского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 80 000 000 сум до 60 000 000 сумов.

АГРОТЕХНИКА

- Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Гусеницали тракторлар
- Пресподборшик
- Ғўзапоя ўрадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Макка ўрадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган сеялка
- Пахта экадиган сеялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Траншеекопатель, ямобур

(+99871) 150-58-58
150-68-68

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz

SN INVEST

Маҳсулот сертификатланган.

СП ООО “SAMO KAPITAL TRANS” (ИНН 301609212) зарегистрированное в Министерстве Юстиции Республики Узбекистан (реестр № 1217 от 14.09.2011 г.) сообщает об уменьшении уставного фонда с 451 500 долларов США до 287 310,76 долларов США. Претензии принимаются по тел.: 258-17-25.

Утерянное илова (приложение к диплому) L № 190092 выданное в 2013 году “Шайхонтохур Академик лицей при УМЭД” на имя Араббаева Азмиддина Хусан угли, считать недействительным.

Раннее опубликованное объявления в газете “Qishloq hayoti” от 27.06.2013 г. за № 78 (8159) о ликвидации ООО “CENTER OF REAL ESTIMATE”, считать недействительным. ООО “CENTER OF REAL ESTIMATE” Чиланзарского р-на (ИНН 302310601) сообщает об уменьшении уставного фонда с 157 300 000 сум до 32 960 000 сум. Тел.: 969-00-33.

ООО “GENERAL GROSS PROFIT” Учтепинского р-на (ИНН 302113735) сообщает об уменьшении уставного фонда с 57 665 000 сум до 3 844 000 сум.

ООО “KONTINENT DETSTVA” (ИНН 301572198) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 004522-03, 09.04.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Afrasiyob-Gospital ko'ch. д. 16 кв-ра 37, ликвидируется (протокол № 2 от 29.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КАМОЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-714, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.20 15844 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5